QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 30 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 2 октябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда болаларни, айниқса, зўравонликдан жабрланган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилди ва Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинди. 2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланди.

Шу билан бирга бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, процессуал ҳаракатлар жараёнларида уларнинг малакали юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлаш, шунингдек боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига болаларга нисбатан зўравонлик, шу жумладан жинсий зўравонлик, шунингдек боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарликни кучайтиришни ҳамда вояга етмаганларга нисбатан янги мажбурлов чораларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганлар учун қўшимча процессуал кафолатларни белгилашга, шу жумладан вояга етмаганларга нисбатан

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг иштирокини таъминлашга, қонуний вакилларнинг иштирок этишига ва уларни алмаштиришга ҳамда вояга етмаганлар иштирокида айрим процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига болаларни тарбиялаш мажбуриятларини бажармаганлик ва уларни тарбиялаш ҳамда уларга таълим бериш жараёнида зўравонлик содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаганлик, Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг қарорларини ижро этмаганлик, шунингдек болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига вояга етмаганларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш тартибини уларни таълим ташкилотларига, тарбия муассасаларига ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи муассасаларга жойлаштириш билан боғлиқ ҳолда такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга бошқа қонун ҳужжатларига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмларини, тазйиқ ва зўравонлик масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришни, қонунчиликнинг айрим қоидаларини ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг тугатилишига мувофиқлаштиришни, болага нисбатан зўравонлик содир этган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосини белгилашни, шунингдек зўравонликдан жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болаларни давлат ҳисобидан юридик ёрдам билан таъминлашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ташкилотларнинг ва бошқа соҳалардаги ташкилотларнинг масъулиятини оширишга, болаларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ва жиноятларнинг олдини олишга, содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга, шунингдек болаларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6,

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3, 376, 377-моддалар, № 5, 643, 647-моддалар, № 8, 968-модда, № 9, 1042-модда, № 10, 1156-модда, № 11, 1236-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда, № 3, 249, 250, 253-моддалар, № 4, 353, 354, 361-моддалар, № 6, 621, 622, 626-моддалар, № 7, 747-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **50-модданинг**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш (118-модданинг тўртинчи қисми), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки унинг ожизлигидан фойдаланиб,

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (119-модданинг тўртинчи қисми), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин»;

олтинчи қисмидаги «мумкин эмас» деган сўзлар «мумкин эмас, бундан боланинг ўлимига сабаб бўлган қасддан содир этилган жиноятлар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **51-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш (118-модданинг тўртинчи қисми), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки унинг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (119-модданинг тўртинчи қисми), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади»;

3) **57^1-модданинг матни** «(97-модданинг иккинчи қисми)» деган сўзлардан кейин «ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш (118-модданинг тўртинчи қисми), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки унинг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (119-модданинг тўртинчи қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **64-модданинг еттинчи қисми** «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «118-моддаси учинчи қисми «а» бандида ва тўртинчи қисмида, 119-моддаси учинчи қисми «а» бандида ва тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **69-модданинг олтинчи қисми** «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «118-моддаси учинчи қисми «а» бандида ва тўртинчи қисмида, 119-моддаси учинчи қисми «а» бандида ва тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **72-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда шартли ҳукм қилиш боланинг ўлимига сабаб бўлган қасддан жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилмайди»;

7) **73-модда тўртинчи қисмининг** «**г**» **банди** «ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик» деган сўзлардан кейин «боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноятларни қасддан содир этганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **88-модданинг**:

биринчи қисми:

«**в**» **бандидаги** «махсус ўқув-тарбия муассасасига» деган сўзлар «таълим ташкилотига, тарбия муассасасига ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «**г**» **банд** билан тўлдирилсин:

«г) назорат остига бериш»;

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахсларнинг таълим ташкилотида, тарбия муассасасида ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасада назорат остида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланади»;

9) **104-модда иккинчи қисми диспозициясининг «а» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан»;

10) **105-модда иккинчи қисми диспозициясининг «б» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан»;

11) **118-модда тўртинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади»;

12) **119-модда тўртинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади»;

13) **129-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги мазмундаги «**б^{1}» банд** билан тўлдирилсин:

«б^{1}) бир гуруҳ шахслар томонидан»;

14) **276^{10}-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкциясидаги «беш» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5,

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1083-моддалар, № 12, 1280, 1286, 1292-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 2, 196, 201-моддалар, № 3, 376-модда, № 6, 727-модда, № 8, 968, 969-моддалар, № 9, 1042-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда, № 4, 353, 354-моддалар, № 6, 622, 626-моддалар, № 7, 750-модда, № 8, 926-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **55-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жинсий зўравонликка оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган жабрланувчига ушбу Кодекснинг 50-моддасида белгиланган тартибда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чоралари кўрилади»;

2) **60-модда**:

иккинчи қисми «васийлар, ҳомийлар» деган сўзлардан кейин «васийлик ва ҳомийлик органининг вакиллари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган шахсга нисбатан унинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси, ҳомийси ёки бошқа қариндошлари томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ишни судга қадар юритишда ҳамда суд

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

муҳокамаси жараёнларидаги барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирок этади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **66-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жинсий зўравонликка оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган гувоҳга ушбу Кодекснинг 50-моддасида белгиланган тартибда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чоралари кўрилади»;

4) **91-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик содир этиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича вояга етмаган жабрланувчини ёки гувоҳни сўроқ қилиш»;

5) **121-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган шахсга нисбатан унинг ота-онаси, уни фарзандликка олувчи, унинг васийси, ҳомийси ёки бошқа қариндоши томонидан содир этилган зўравонлик билан боғлиқ ишлар юзасидан вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштироки жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан таъминланиши шарт»;

иккинчи – ўнинчи қисмлари тегишинча **учинчи – ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми «жабрланувчи вакилининг» деган сўзлардан кейин «васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисми «жабрланувчи вакилига» деган сўзлардан кейин «васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи қисмидаги «қонуний вакил, педагог ва (ёки) психолог» деган сўзлар «қонуний вакили, педагог ва (ёки) психолог иштирокида, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органининг вакили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисми «қонуний вакили» деган сўзлардан кейин «васийлик ва ҳомийлик органининг вакили» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **123-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жинсий зўравонликка оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган жабрланувчи ва гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўртасида юзлаштириш ўтказиш суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан амалга оширилади»;

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **549-модданинг учинчи қисми** «асос бўлса» деган сўзлардан кейин «ёки ушбу Кодекс 60-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар,

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

№ 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233, 1236, 1237-моддалар, № 12, 1322, 1327, 1328, 1329-моддалар; 2026 йил, № 1, 2, 6-моддалар, № 2, 131, 133-моддалар, № 3, 249, 250, 253-моддалар, № 4, 351, 353, 354, 355, 356, 359, 361, 364-моддалар, № 5, 496, 497, 499-моддалар, № 6, 621, 622, 626-моддалар, № 7, 747, 749-моддалар, № 8, 926-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **41[1]-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **47-модда**:

номидаги «тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик» деган сўзлар «**тарбиялаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, уларга ғамхўрлик кўрсатмаслик**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши ёки вояга етмаган болаларга ғамхўрлик кўрсатмаслик, яъни зарур имкониятлар, билим ва кўникмаларга, шу жумладан бунинг учун тегишли хизматлардан (тиббий, таълим, ижтимоий ва бошқа хизматлардан) фойдаланиш имкониятига эга бўлган ота-оналар (улар ўрнини босувчи ёки болага қараб турган шахслар) томонидан қасддан уларнинг асосий эҳтиёжларини қаноатлантирмаслик вояга етмаган боланинг соғлиғи, жисмоний, ақлий ва ахлоқий ривожланиши бузилишига олиб келса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

тўртинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

бешинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

олтинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

еттинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **47^{3}-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **188^{3}-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

5) қуйидаги мазмундаги **189^{3}-модда** билан тўлдирилсин:

«189^{3}-модда. Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган, ушбу Кодекснинг 189 ва 189^{1}-моддаларида назарда тутилмаган ахборот маҳсулотини тайёрлаш, тақдим этиш ва (ёки) тарқатиш, шу жумладан уни сотиш (шу жумладан обуна бўйича тарқатиш), ижарага, прокатга бериш,

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

ахборот-кутубхона муассасалари фондларидан тарқатиш, бериш, оммавий намойиш қилиш, оммавий ижро этиш (шу жумладан эфир ёки кабель узатуви, томошабоп тадбирлар воситасида), телекоммуникация тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш, –

болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

6) қуйидаги мазмундаги **198^{10}-модда** билан тўлдирилсин:

«198^{10}-модда. Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик ёки ижро этишга тўсқинлик қилиш

Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик ёки ижро этишга тўсқинлик қилиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **245-модданинг биринчи қисмидаги**:

«47-моддасининг иккинчи – еттинчи қисмларида» деган сўзлар «47» рақами билан алмаштирилсин;

«190» рақами «189^3, 190» рақамлари билан алмаштирилсин;

«198^9» рақами «198^9, 198^{10}» рақамлари билан алмаштирилсин;

8) **247-модданинг матнидаги** «ушбу Кодекс 47-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «ушбу Кодекс 47-моддасининг олтинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **248-модда**:

биринчи қисмидаги «47-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг 4-бандидаги «47-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **248^1-модданинг биринчи қисмидаги** «47-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **282-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 41^1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда, икки сутка ичида прокурор томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича далиллар билан бирга бир сутка ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборилади»;

иккинчи – бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган, ушбу Кодекснинг 41^1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликда жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида прокурорнинг қарори».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 3, 187-модда, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 818, 823, 828-моддалар, № 12, 1285-модда; 2026 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **15-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари:

уларнинг зиммасига жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш ёхуд назорат остига бериш мажбуриятини юклатиш – суд томонидан;

вояга етмаганларнинг қонунчиликка мувофиқ жойлаштирилиши белгиланган таълим ташкилотига, тарбия муассасасига ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасага уларни жойлаштириш – тасарруфида таълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ҳамда ички ишлар органлари томонидан ижро этилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **196^1-модда** билан тўлдирилсин:

«196^1-модда. Назорат остига бериш

Суд ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсни ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ёхуд вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар раҳбарларига назорат остига бериши мумкин.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс назорат остида бўлиб турган даврида ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, суд унга нисбатан белгиланган назорат остида бўлиш чорасини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 88-моддаси биринчи қисми «в» бандида назарда тутилган мажбурлов чорасига ўзгартириши мумкин»;

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

3) **197-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**197-модда. Таълим ташкилотларига, тарбия муассасасига ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасага жойлаштириш**

Вояга етмаган шахслар қонунчиликка мувофиқ жойлаштирилиши белгиланган таълим ташкилотларига, тарбия муассасаларига ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасаларга қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ жойлаштирилиши белгиланган таълим ташкилотларида, тарбия муассасаларида ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасаларда бўлиши тартиби ва шарт-шароитлари, улардаги ўқув жараёнларини ва тарбиявий таъсирга оид ишларни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда; 2024 йил, № 8, 823-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг саккизинчи хатбошисидаги** «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **12-модда**:

биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи қисмининг:

учинчи хатбошисидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

саккизинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

4) **13-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади»;

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

5) **14-модда** чиқариб ташлансин;

6) **16-модда биринчи қисмининг**:

тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўнинчи – ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи – ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

7) **17[1]-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **19-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **20-модда биринчи қисмининг**:

тўртинчи хатбошисидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи хатбошисидаги «ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **24-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида» деган сўзлар «Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **5-боб** чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–378-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–445-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 509-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 9, 964-модда; 2026 йил, № 5, 497-модда) **27-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий қабуллар вақтида давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ҳамда жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга, шунингдек хотин-қизларга ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатчининг жавоб хати юбормаслик ҳақидаги талаби мавжуд бўлган мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги ЎРҚ–406-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда; 2026 йил, № 6, 626-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

1) **22-модданинг**:

тўртинчи қисмидаги «ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **27-модда иккинчи қисмининг**:

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

саккизинчи – ўн биринчи хатбошилари тегишинча **еттинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошисидаги «ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган **«Ички ишлар органлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда; 2024 йил, № 3, 244-модда, № 9, 958, 964-моддалар; 2024 йил, № 12, 1291-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда; 2026 йил, № 1, 2-модда, № 4, 355-модда, № 5, 499-модда, № 8, 927-модда) **16-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

йигирма иккинчи хатбошидаги «вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўттизинчи хатбошидаги «яшаш, тарбияланиш ва таълим олиш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган вояга етмаганлар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 7, 627-модда, № 9, 964-модда; 2025 йил № 2, 193-модда, № 6, 730-модда, № 11, 1233-модда, № 12, 1321, 1329-моддалар; 2026 йил, № 6, 621-модда, № 7, 747-модда) **161-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5^1-банд** билан тўлдирилсин:

«5^1) болани тарбиялаш ва унга таълим бериш борасидаги мажбуриятлар ўз зиммасига юклатилган таълим ташкилоти ходимининг болага нисбатан зўравонлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши».

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 16 июнда қабул қилинган **«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–848-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 6, 447-модда; 2026 йил, № 4, 358-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) зўравонликдан жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болалар – улар тегишли процессуал ҳаракатларга жалб этилган вақтдан эътиборан»;

2) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Зўравонликдан жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда кўрсатилади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 29 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида»**ги ЎРҚ–917-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 117-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **12-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **20-модданинг биринчи қисмидаги** «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **27-модданинг**:

номидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

QMMB: 03/26/1180/1032-son
15.10.2026-y.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 14 октябрь
№ ЎРҚ–1180